

КАРИМОВА Дилафруз

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар
кафедраси
доценти, юридик фанлар доктори
afruza@ro.ru

ИСЛОМДА БОЛАНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

ВОПРОСЫ УСЫНОВЛЕНИЯ РЕБЕНКА В СЕМЬЮ В ИСЛАМЕ

ISSUES OF ADOPTING A CHILD INTO A FAMILY IN ISLAM

Аннотация: Ушбу мақолада боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, болани оилага фарзандликка олиш муаммолари миллий ва ислом ҳуқуқ манбалари асосида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этилган. Боланинг таъминот олиш борасидаги ҳуқуқи шариат нормалари асосида ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада бола тарбияси учун масъул шахслар, ота ва она ажрашган тақдирда боланинг ким билан қолиши каби масалалар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар. Ислom ҳуқуқи, бола, бола ҳуқуқлари, оилавий муҳит, бола тарбияси, бола таълими, боланинг таъминоти, нафақа.

Аннотация: В данной статье право ребенка на семейную среду, проблемы принятия ребенка в семью исследуются на основе национальных и исламских правовых источников. Право ребенка на получение содержания разъясняется на основе норм шариата. Также в статье рассматриваются такие вопросы, как лица, ответственные за воспитание ребенка, с кем останется ребенок в случае развода отца и матери.

Ключевые слова. Исламское право, ребенок, права ребенка, семейное окружение, воспитание ребенка, образование ребенка, содержание ребенка, пособие.

Annotation. In this article, the child's right to a family environment, the problems of accepting a child into a family are studied on the basis of national and Islamic legal sources. The child's right to receive maintenance is explained on the basis of Sharia law. The article also discusses such issues as the persons responsible for raising the child, with whom the child

will remain in the event of a divorce between the father and mother.

Keywords. Islamic law, child, child rights, family environment, child rearing, child education, child maintenance, allowance.

КИРИШ

Ислom ҳуқуқида бола ҳуқуқлари кафолатларига оид энг муҳим масалалардан бири бу боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи бўлса, иккинчиси бу болани оилага фарзандликка олиш муаммосидир. Умуман инсоният юзага келган энг қадимий даврлардан бошлаб бола ва унинг тақдирига жуда катта таъсир, ёки акс таъсир ўтказадиган масала бу – боланинг оила муҳитида униб ўсиши ва тўғри тарбия қилинишидир. Ана шу энг қадимий вақтлардан бошлаб то бугунга қадар бола тарбияси учун оила муҳитидан яхшироқ, самаралироқ ва мукамалроқ ижтимоий тузилма ҳалигача топилгани йўқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи деганда, уни оилада яшаш, тарбияланиш, оила, хусусан ота ва онадан моддий таъминот олиш, ўз ота-онаси ва яқинларини билиш, уларни таниш, улар бағрида барча таҳдидлардан муҳофазаланган тарзда, тинч ва осуда мустақил ҳаётга тайёргарлик кўриш, ижтимоий муҳитда мустақил яшаш билим, малака ва кўникмаларига оила муҳитида тайёргарлик кўриш ҳамда оила ғамхўрлигидан, меҳри ва ишончидан, унинг анъаналаридан самарали фойдаланиш каби оила томонидан болага бериладиган ҳуқуқий имкониятлари тушунилади.

Бола тарбияси, унинг таълими, болани ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ўта мураккаб ва масъулиятли жараёндир. Бола тарбиясида оилавий муҳитнинг қай даражада муҳимлиги Қуръони карим инсон зотини энг улуг мавжудот сифатида тараннум этар экан, унинг улуглиги инсон амаллари орқали намоён бўлади. Инсонни тўғри, солиҳ амалларни қилишга ҳозир қилиш эса тарбия орқали амалга оширилади. Бола илк тарбияни оилада олади. Шу боис, айнан оила илк тарбия ўчоғи, унинг маркази ва юрағи саналади.

Ислom дини тамойилларида бола тарбиясини инсон фазилатларини кучайтириш, унинг кўнглида меҳр уйғотиш, унда Аллоҳ панд-насихатларини чуқур англаш ва сўзсиз қабул

килиш, уларга бутун умр давомида содиқ қолиш, Аллоҳ яратган дунёни жаннат тимсоли асосида шакллантириш каби устувор ғоялар негизида қурилган. Ваҳбат Зухайлийнинг «Ислом ҳуқуқи ва унинг далиллари» номли асарида «ҳар бир гўдак туғилгандан сўнг унинг олдида ота-онаси, жамият ва давлат бурчли бўлади. Уни тарбия қилиш, эмизиш, моддий ва маънавий ҳимоя қилиш лозим» [1: 6450], дейилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда айтилишича, «ҳар бир фарзанд фитратда дунёга келади» [2:16]. Яъни бола беғубор туғилгани боис, унинг кейинчалик қандай инсон бўлиб вояга етиши айнан у тарбия топган оила муҳитига боғлиқ бўлади. Болалик даври болада солиҳ хатти-ҳаракат ва соғлом хулқ-атворни шакллантириш учун ажратилган давр саналади. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳеч бир инсон ўз фарзандига яхши одоб ўргатишдан ортиқ ҳадя қила олмайди» [3:29] ёки «Киши фарзандини одобли қилиб тарбиялаши унинг учун ҳар куни ярим соъ садақа қилишдан яхшироқдир» [4:88] деб таъкидлаганлар.

Ислом дини шу маънода ота-оналарни ўз фарзандларига соғлом тарбия беришга рағбатлантиради. Ҳадиси шарифда «Фарзандларингизни ҳурмат қилинг ва уларни яхши хулқ билан хулқлантиринг» [3:30] дейилади.

Ҳадисларда отага: «ўғли билан у етти ёшга тўлгунича ўйнаши, кейинги етти йил давомида уни интизомга ўргатиши, ундан кейинги етти йил ичида дўст бўлиши, кейин эса боланинг мустақил бўлишига йўл қўйиб бериши (Ҳадиси шариф)» [5:242] лозимлиги айтилган.

Шунингдек, болага мустақил фикрлаш, фикрини эркин билдириш ва ўзлигини ривожлантириш талаби қўйилади. Мазкур талабни бажариш эса оилада ота-она бурчи сифатида талқин қилинади.

Исломда бола тарбияси ҳам она, ҳам ота масъул қилиб белгиланган. Бироқ уларнинг ҳар бирининг жинс хусусиятларидан келиб чиққан вазифалар қўлами турлича бўлган. Шу боис, бола тарбиясида икки масъул шахсдан иборат симфоник яхлитлик юзага келтирилган. Унинг асосида ҳар бир масъул шахс бола тарбиясининг муҳим бир жиҳатини ўз зиммасига қабул қилиб олади.

Ҳадиси шарифда ота оиланинг муҳофазачиси, унинг таъминотчиси ва қарамоғидогиларнинг барчаси учун жавобгар бўлса, хотин эрнинг бойлиги ва бола-чақасининг муҳофазачиси ва улар саломатли посбони сифатида баҳоланади [6:52]. Она болалари

ҳақида ғамхўрлик қилса, ота бутун оила, яъни болалар ва уларнинг онаси учун ғамхўрлик қилиши талаб этилади.

Муҳаммад пайғамбар бола йиғисини эшитсалар, ибодатни тезлаштириб, «Унинг онаси толиқишини истамайман», дер эканлар [3:9]. Бошқа бир ҳадисда: «Ўз фарзандларингиз учун масъул бўлинг» [3:29], «Бирорта ота ўз фарзандига хулқ одобидан афзалроқ мерос беролмайди» [7:293, 307], деб таъкидланган.

Туркистон ўлкаси мусулмон аҳолисининг ҳуқуқий муносабатлари ҳақидаги Шариат моддаларининг 85-моддасида ўғил болаларни 7 ёшгача ва қиз болаларни 9 ёшгача тарбиялаш ота билан ажрашган-ажрашмаганлигидан қатъи назар она зиммасида бўлади, дейилган. Агар она болаларни ўз тарбиясига олишни истамаса, уни мажбурлаш мумкин эмас. Шунингдек, 86-моддада болани тарбиялаш учун онанинг ақли расо, вояга етган, яхши фазилатли ва диндан қайтмаган аёл бўлиши лозимлиги шарт қилиб кўрсатилган. «Мажмаъ ул-Мақсуд» асарида ҳам худди шундай, яъни хоҳ аёл ажрашган бўлсин, хоҳ ажрашмаган бўлсин, бола тарбияси унинг зиммасига тушади. Аммо бунда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Исломий қоидалар бўйича ота ва она ажрашган тақдирда вояга етмаган фарзандлар она тарбиясида қолиши фойдалироқ ҳисобланади. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинишича: «Бир аёл: «Эй, Аллоҳнинг Расули, мана бу ўғлим учун қорним жой бўлган эди, икки кўкрагим сувидаш эди, қучоғим муҳофазачи бўлган эди. Энди эса отаси мени талоқ қилиб, уни мендан тортиб олмоқчи», деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Модомики турмуш қилмасанг, сен унга ҳақлироқсан», дедилар».

Ибн Абу Шайбанинг «Мусаннаф» номли китобида Саъид ибн Мусайябдан ривоят қилинишича: «Умар Умму Осимни талоқ қилди. Кейин унинг олдига борди. Осим унинг қучоғида турган эди. Болани ундан тортиб олмоқчи бўлди. Икковлари уни тортишиб кетишди. Бола йиғлаб юборди. Икковлари Абу Бакрнинг ҳузурига боришди. Бас, Абу Бакр унга: «Аёлнинг силаши, қучоғи ва ҳиди унинг учун сендан яхшироқ. Бола улғайса, ўзи танлаб олади», дедилар» [4:58]. Бу ҳақда қуйидаги ҳадисни мисол қилиб келтириш мумкин: «Ҳамза ибн Абдулмутталиб (р.а)нинг вафотидан сўнг унинг Иммора исмли қизи етим қолиб кетади. Зайд ибн Ҳориса Маккага бориб у қизни олиб келди ва деди: «Уни (тарбияга олишга) мен

ҳақлиман. Уни олиб келгани мен бордим, мен сафар қилдим ва ўзим олиб келдим». Жаъфар ибн Абу Толиб ҳам «Уни мен (қарамоғимга) оламан. Унга мен ҳақлиман. Чунки у амакимнинг қизи. Унинг холаси менинг қўлимда (никоҳимда). Хола она(ўрнида)дир», деди. Али эса «Унга мен ҳақлироқман. У амакимнинг қизи. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қизлари менинг қўлимда. Бу қизга у ҳақлироқ», дейди. Сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) уларнинг барчасини олдиларига чақирадиларда, уни Жаъфарга беришга ҳукм қиладилар ва: «У холаси билан бўлади. Хола она(ўрнида)дир», дедилар». Бинобарин, бундай ҳолатларда бола манфаатлари биринчи ўринга қўйилган [4:61].

Фарзанд тарбиясининг биринчи «ал-хизона» («ҳимоя қучоғига олиш») даври тугагандан сўнг, ўғил ё кизлигига қараб, болани яқин қариндошлари ҳимоясига топширилади. Бу иккинчи босқич ҳисобланади. Иккинчи даврни фақиҳлар «ал-валоя ала-н-нафс» («болани муҳофаза қилиш») деб атайдилар. Агар ота ҳаёт бўлса, у масъулиятнинг биринчи босқичида туради ва то балоғатга етгунига қадар бола унинг ҳимоясида бўлади. Агар боланинг отаси бўлмаса, унда ота томонидан ишончли эр қариндоши бола тарбиясига масъул бўлади. Агар бола ўғил бўлиб, балоғатга етгач, ўз ақли ва дунёқарашига эга бўлиб иш кўришга қодир ва оқил экани маълум бўлса, бу ҳолда болани муҳофаза қилишдаги қариндошининг масъулияти тугайди. Аммо бола қиз бўлса ва у вояга етса ҳам масъулнинг ҳимоясидан чиқмайди [8:42].

Боланинг таъминот олиш борасидаги ҳуқуқи шариат нормаларида батафсил баён этилган. Қуръони каримда: **«Қарамоғингиздаги ақли норасоларга Аллоҳ сизларга (ҳаёт) туруми қилиб қўйган молларингизни бериб қўймангиз, балки ўша (моллар)дан едиринг, кийдиринг ҳамда уларга яхши гапиринг!»** [9:77], деб таъкидланган. Шунингдек, «Бақара» сурасининг 233-оятда: **«Уларни (оналарни) меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш отанинг (эрининг) зиммасидадир»** [9:37], деб айтилган. Ушбу оятлардан кўриниб турибдики, қоида бўйича оила ва болалар таъминоти ота зиммасига тушади.

Ойша онамиздан ривоят қилинади: Ҳинд бинти Утба: «Ё Расулуллоҳ, Абу Суфён ўта бахил одам, менга ва боламга етадиган нарсани бермайди. Унга билдирмай олсам бўладими», деди. «Ўзингга ва болангга етарлисини тўғриликча ол», дедилар [10:38]. Бундан кўриниб турибдики, фарзандлар нафақаси

фақат ота зиммасига, ота-онанинг нафақаси фақат ўғил зиммасига ва хотиннинг нафақаси фақатгина эр зиммасига экан. Уларга нафақада ҳеч ким шерик бўлишга мажбур эмас. Гарчи аёл турмушдан ажрашиб янги турмуш курса ҳам, ота ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар таъминлаши шарт.

Агар отанинг ёш болалари бўлиб, на унинг ва на болаларининг моли бўлмаса, лекин ота меҳнатга лаёқатли бўлса, нафақа унга юклатилади. У пул топиб, болаларига нафақа беради. Болаларнинг нафақаси камбағаллик билан соқит бўлмайди.

Агар боланинг моли бўлмаса, нафақа отанинг зиммасига юклатилиб, бунда ҳеч ким унга шерик бўлмайди. Абу Ҳанифадан ривоят қилинишича, нафақа ота ва онага 1/3 улушдан юклатилади. Лекин «Зоҳир ар-ривоя»¹да ҳаммаси отанинг зиммасига юклатилган. Чунки нафақа эмизишга ўхшайди. Эмизиш харажатларида отага ҳеч ким шерик бўлмаганидек, нафақада ҳам унга ҳеч ким шерик бўлмайди.

Агар ота қийин аҳволда бўлиб, она бойроқ бўлса, боласига ўз молидан нафақа беришга буюрилади. Булар отанинг зиммасида қарз бўлиб қолади. Эрининг аҳволи яхшилангандан сўнг қозининг ҳукми билан она даъво қилиши мумкин. Агар буни эрининг кўрсатмаси билан қилган бўлса ҳам. Агар ота меҳнат қилиб, пул топиб, болаларига нафақа беришдан бош тортса, бунга мажбур қилинади ва ҳатто ҳибсга олинади [11:102].

Н.Юсупованинг келтиришича, нафақа берилиши лозим бўлган фарзандлар қуйидагилардир: 1. Ўз фарзандлари; 2. Фарзандининг фарзандлари, яъни набиралари. Бобо отаси ёки онаси томондан бўлишидан қатъи назар набираларига моддий кўмак бериши лозим [12:41]. Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шариат бўйича ота:

- вояга етмаган фарзандларига;
- вояга етган бўлсада, турмуш қурмаган қизига;
- вояга етган бўлсада, турмушга чиқиб, қайтиб келган қизига;
- вояга етган бўлсада, муомалага лаёқатсиз, рухий хаста болаларга;

¹ Изох 3: «Зоҳирурривоя» деб аталган Муҳаммад ибн Ҳасаннинг олти та фикҳий асари қуйидагилардан иборат: «алМабсут», «азЗиёдат», «ал-Жомий ас-сағир», «ал-Жомий ал-кабир», «асСияр ас-сағир», «асСияр ал-кабир». Котиб Чалабийнинг таъкидлашича, уларнинг «Зоҳирурривоя» деб аталлишининг сабаби шундан иборатки, улар ашШайбонийдан ишончли кишилар орқали ривоят қилинган.

- вояга етган бўлсада, узоқ вақтдан бери касал ётиб, ўзини боқишга салоҳияти бўлмаган ўғил фарзандга.

Бундан ташқари, ҳадисларда кишининг оиласига ва болаларига харажатлар қилиши ҳар томонлама рағбатлантирилган. Жумладан, «Энг яхши харажат ўз аҳли оилангиз фаровонлиги учун бир дирҳам бўлса ҳам сарфлаганингиздир» [4:10], «Бир кишининг тирикчилиги учун масъул бўлган кишиларга бепарволик қилиши унга етарли гуноҳдир» [12:35], «Бир одам оила ташвишлари сабабли ҳориб чарчаб, ғамгин ухлаб қолса, бу - Аллоҳ йўлида минг марта қилич урмоқдан фазилатлироқдир» [13], «Сен Аллоҳ таолонинг йўлига, мискинларга динор садақа қиларсан, бир қулни озод қиларсан, аҳлингга нафақа берарсан. Билгинки, аҳли оилангга қилган нафақангнинг ажри бошқаларидан кўра улуғроқдир» [2:73]. Чунки, «инсон аҳли оиласига ўздан бошқаси қайғурмайди. Шунинг учун ҳам бу иш бошқаларидан кўра савоблироқ саналади» [2:73].

Ривоятлардан бирида айтилишича, Хулафои рошидийнлар даврида Мадина шаҳрига савдогарлар карвони келиб тушади. Карвонда аёллар, ёш болалар ҳам бор эди. Давлат бошлиғи, халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) ва саҳобалардан Абдурахмон ибн Авф (р.а.) ёш боланинг йиғисини эшитдилар ҳамда ўша томонга бориб, унинг онасига: «Аллоҳдан кўрк! Гўдагингга яхши қара», деб ортларига қайтдилар. Лекин бола йиғлашда давом этди. Умар (р.а.) яна унинг онаси олдида қайтиб: «Аллоҳдан кўрк! Гўдагингга яхшилик қил!», деб буюрдилар. Тун охирида қолганида яна боланинг йиғисини эшитган халифа Умар (р.а.) онанинг ҳузурига бориб: «Шўринг курсин. Яхши она эмасга ўхшайсан. Кечаси билан ўғлинг тинчимади-я!», деб танбех бердилар. Олдида турган одам давлат раҳбари эканлигини билмаган она оддий одамга гапиргандек: «Эй Аллоҳнинг бандаси, кечаси билан мени тинч қўймадинг. Ахир, мен уни эмишдан ажратмоқчиман, у бўлса кўнмай инжиқлик қилмоқда», деди. «Нима учун?» - деб сўрадилар Умар (р.а.). «Чунки Умар (р.а.) фақат эмишдан ажратилган болаларга нафақа тайин қилган». «Боланг неча ёш бўлди?». «Фалон ойлик бўлди». «Уни эмишдан ажратишга шошилма!» - деди Умар (р.а.) ва Бомдод намозини ўқиб бўлгач, жарчини чорлаб «Болаларингизни эмишишдан ажратишга шошилманг! Биз исломда туғилган ҳар бир болага нафақа берамиз!», деб жар солишга амр қилдилар [3:27].

ХУЛОСА

Демак, ислом таълимотида болаларнинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи унинг бирламчи ҳуқуқларидан бири бўлиб, болани фарзандликка олишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари шаклланган. Шунингдек, исломда маълум бир тоифадаги болалар учун давлат ва жамият томонидан ижтимоий кўмак бериш ҳар томонлама рағбатлантирилган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ваҳбат Зухайлий. Ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатуху. 8-жуз. Қоҳира: «Дору-л-фикр», 1997. — 6450 б.
2. Усмонов И., Шермухамедов К., Жўраев Ш., Насруллаев Н., Алимова М., Нажмиддинов Ж., Турдиева Д., Каримов Ж., Алимов А., Тўйчиева Н., Ҳакимова Н., Каримова Д., Эрназаров О. Исломда соғлом бола тарбияси. — Масъул муҳаррир И.Усмонов. — Тошкент: Мовароуннахр, 2014. — 160 б.
3. Аҳмад Тавфиқ, Маиса Ҳамид. Исломда болалар тўғрисида ғамхўрлик. ЮНИСЕФ-Қоҳира: «Ал-Азҳар» университети, 1985. — 42 б.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Соғлом бола. - Тошкент: «Ҳилол-нашр», 2014. — 152 б.
5. Абу Ҳомид Ғаззолий. «Мукошафату-л-қулуб» («Қалблар кашфиёти») 2-қисм. - Тошкент: «Минҳож», 2004. — 245 б.
6. Children in Islam. Their Care, Upbringing and Protection. - Al-Azhar University in cooperation with the UNICEF. 2005. — 123 p.
7. Сунан Темизий. ЎЗР ФА ШИ// Қўлёзма № 2516.
8. Юсупова Н.Ж. Исломда оила ҳуқуқи/ ўқув-услубий қўлланма. - Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2008. — 74 б.
9. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири/ Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. - Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2012. — 624 б.
10. Раҳмонов Р. Исломда фарзанд ҳуқуқлари. - Тошкент: Мовароуннахр, 2011. — 60 .
11. Ал-Уструшаний Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн. Жомий аҳком ас-сиғор/ Муфтий Усмонхон Алимов ва Муслим Ризки Ато таҳрири остида. — Тошкент: ТИУ, 2010. — 496 б.
12. Юсупова Н.Ж. Ислом ҳуқуқига кўра оилавий муносабатларда мулкӣ масалалар. - Тошкент: Мовароуннахр, 2011. — 66 б.
13. 347. www.un.org/ru/documents/pact_conv.